

БУХОРО ВИЛОЯТИДА БОЛАГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЗЎРАВОНЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Турсунова Мархабо Баходировна

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, подполковник*

Аннотация: Мақолада Бухоро вилоятида болага нисбатан содир этилган зўравонликлар профилактикасини амалга оширишда қўлланилаётган чоратadbирлар таҳлил қилинган. Шунингдек, зўравонликка қарши курашда янги стратегик йўналишлар ва профилактика чоралари ҳақида маълумотлар тақдим этилади. Вилоятда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: болалар, зўравонлик, Бухоро вилояти, жиноятларнинг олдини олиш, профилактикани такомиллаштириш, ҳуқуқларни давлат ҳимоясига олиш, назорат қилиш, рақамли технологиялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ ДЕТЕЙ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ.

Аннотация: В статье анализируются меры, принимаемые для профилактики насилия в отношении детей в Бухарской области. Также будет предоставлена информация о новых стратегических направлениях и профилактических мерах по борьбе с насилием. Особое внимание уделяется совершенствованию профилактики насилия в отношении детей в регионе.

Ключевые слова: дети, насилие, Бухарская область, профилактика правонарушений, совершенствование профилактики, государственная защита прав, контроль, цифровые технологии.

Abstract: The article analyzes the measures taken to prevent violence against children in the Bukhara region. It also provides information on new strategic directions and preventive measures in the fight against violence. Particular attention is paid to improving the prevention of violence against children in the region.

Keywords: children, violence, Bukhara region, crime prevention, improvement of prevention, state protection of rights, control, digital technologies.

Сўнгги вақтларда турли таълим муассасаларида болаларга қўпол муомала ёки озор берилиши оқибатида уларга турли даражадаги тан жароҳатлари ёки эмоционал-психологик таъсир кўрсатиш фактлари

учрамоқда. Ижтимоий тармоқларда деярли ҳар куни болалар билан боғлиқ турли кўнгилсизликлар ҳақида хабарлар тарқалмоқда, аксирият ҳолларда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ёки бошқа таълим муассасаларида болалар билан боғлиқ, уларга турли кўринишдаги зўравонлик ёки озор бериш ҳолатлари ёритилмоқда. Бу албатта инсонни ўйлантирадиган, айтиш мумкин бўлса ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсиянинг ратификация қилиниши болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақомини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш каби вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда¹³.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши натижасида мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институтсинал асослари янада мустаҳкамланди. Шунингдек, 2024-йил 29-февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисидаги ЎРҚ-917-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, юртимиздаги болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг виқтимлашувини шакллантирувчи ва уни янада жонлантирувчи турли хил муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилган ҳолда болаларнинг зўравонликдан жабрланишни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш нафақат ички иш органлари томонидан балки, бола ҳуқуқлари вакили (Болалар омбудсмани) олдида турган асосий вазифалардан бири десак хато бўлмайди¹⁴.

¹³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoyishi. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi.

¹⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoyishi. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini kelgusida amalga oshiri sh chora-tadbirlari to‘g‘risida. 2017-yil 15-avgust, F-5024-son

Мамлакатимизда болага нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг виқтимлашувини шакллантирувчи ва уни янада жонлантирувчи турли хил муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилган ҳолда болаларнинг зўравонликдандан жабрланишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш нафакат ички иш органлари томонидан балки, бола ҳуқуқлари вакили (Болалар омбудсмани) олдида турган асосий вазифалардан бири десак хато бўлмайди¹⁵.

Бугун бутун дунё мамлакатларида болаларга нисбатан зўравонлик жиддий муаммолардан бири бўлиб турибди. Болаларга нисбатан жисмоний,

жинсий ва рухий зўравонлик ўтказиш ҳолатлари жуда кўп учрамоқда.

ЮНИСЕФ маълумотиға кўра, дунёда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 10 болалардан 6 нафари ҳар куни жисмоний зўравонликка учрайди. Ҳар

5 дақиқада бир нафар бола зўравонликдан вафот этади. Бу рақамлар мунтазам ўзгариб туради.

ЮНЕСЕФнинг расмий ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили 246 миллион нафар вояга етмаганлар мактабдаги зўравонликнинг муайян шаклига дуч келмоқда. Мактабдаги зўравонлик фақат боланинг рухий ҳолати бузилишга, носоғлом шароитда тарбияланишига сабаб бўлмасдан, балки мамлакат иқтисодий ўсишининг энг асосий омили бўлган инсон капитали даражасига жиддий зарар келтиради. Зеро, бундай шаклдаги зўравонлик болалар тақдирида изсиз ўтиб кетмайди.

2024 йил 14 ноябрь куни ЎРҚ-996-сонли қонуни қабул қилинди. “Болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланди¹⁶”.

Мазкур қонун билан Болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик содир этганлик учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59¹-моддаси билан маъмурий жавобгарлик белгиланган. Агар бу ҳол такроран содир этиладиган бўлса Ўзбекистон республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида Болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар 2024 йилда 204 тани ташкил қилиб, 2023 йилда бу курсаткичлар 132 та бўлган, 2024 йилда 27,1 фоизга ошган, бунинг яъни оилавий маиший зўравонлик билан боғлиқ жиноятчилиги ўсиш фоизи даражасининг республикамиздаги ўртача кўрсаткичдан паст бўлсада,

¹⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoyishi. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshita ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini kelgusida amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida. 2017-yil 15-avgust, F-5024-son

¹⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2024/08/15/protecting-children-from-violence/>

Сирдарё (9,7%) ва Самарқанд (6,1%) вилоятларига нисбатан юқориликни кўрсатмоқда. Шунингдек Бухоро вилояти ИИБ профилактика инспекторлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддасида кўрсатилган “Оилавий (маиший) зўравонлик” маъмурий ҳуқуқбузарлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолатлар 2023 йилда 2024 йилга нисбатан 204 тани ташкил қилган.

Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсир-чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда²³. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этишлик ва вояга етмаганларнинг тазйик ва зўравонликдан жабрланишлари ўта аянчли ҳолат бўлиб, бундай жиноятларнинг олдини олиш, ёшларни бундай хатарли иллатдан ҳимоя қилиш барчамизнинг вазифамиздир. Бироқ болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар ачинарли. Жумладан: Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро вилоятида ҳам болаларнинг тазйик ва зўравонликка учрашини олдини олиш борасида кенг қамровли профилактик ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллаларнинг низоли ва ажрим ёқасига келиб қолган оилалар доирасида уларнинг муаммоларини “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” ишлаш орқали ҳал этиш ҳамда энг оғир ва низоли вазиятларни ҳуқуқбузарликка айланмасидан маҳаллаларнинг ўзидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда¹⁵. Жумладан: Бухоро вилояти миқёсида ўтказилган кенг кўламли “Зўравонликсиз 16 кун акцияси” доирасида 2024 йилнинг 12 ойи давомида олинган тезкор маълумот асосида Бухоро вилоятида яшовчи, вояга етмаган фуқаро, 2008 йилда туғилган А.Ў. (ўғил бола) Болалар омбудсменига отаси онасини ўлдириш билан қўрқитиб, акасини уйдан ҳайдаб юборгани бўйича мурожаат қилди. Мурожаатда айтилишича, А.Ў. оиласида фақат онаси доимий ишда ишлаши, отаси расмий иш билан банд эмаслиги, фақат вақти-вақти билан мавсумий ишлаб, топган пулига ҳар куни спиртли ичимлик ичишини, ярим кечаси уйга келиб жанжал қилишини, оила аъзоларини ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, урган. Болани айтишига кўра, отаси онасини ўлдириш билан қўрқитиб, акасини эса уйдан ҳайдаб юборган. А.Ў. онаси маиший зўравонлик туфайли ҳимоя ордери олганлигини, лекин отаси ҳимоя

ордери талабларига риоя қилмаётганлигини билдириб, ўзини, онаси ва акасини отасининг руҳий ва жисмоний зўравонлигидан ҳимоя қилишни сўраганлиги аниқланган.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун энг муҳим омил ёшлар орасида ҳуқуқбузарли қва жиноятнинг зарарли оқибатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Бунда нафақат ички ишлар органлари, балки ота-оналар, ўқитувчилар ва мураббийлар, маҳалла фаолларининг роли жуда муҳим. Улар вояга етмаганлар билан доимий мулоқотда бўлиши, уларнинг муаммоларини тинглаши, ишончли маслаҳатгўй бўлиши зарур. Бунинг учун мактабларда, маҳаллаларда ва бошқа жамоат жойларида профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари каби тадбирларни мунтазам ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Зўравонликнинг асосий сабаблари қуйдагилардир:

- болалик даврида бостириш шаклидаги шахсий тажриба, онанинг ваколатли тарбиялаш услуби (келажакда бу аёлларга нисбатан зўравонлик, онаси билан алоқани узишга уриниш сифатида намоён бўлади),

- ижтимоий-иқтисодий нохуш вазиятларнинг таъсири, ишсизлик, паст ижтимоий мақом,

- ўзидан ва ҳаётидан қоникмаслик,

- психопатология

- оғиш ва қарамлик,

- кўрқув

- ўзини ўзи паст баҳолаганлик ва ўзини паст баҳолаганлик туфайли этишмовчилик ва кучга эришиш;

- оиладаги исталмаган бола¹⁷.

Ота-оналар ва уларга қонуний вакиллар қуйидаги илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда зўравонликнинг олдини олиш ва унга самарали жавоб беришлари мумкин:

- Эътиборни олдиндан бошлаш¹⁸. Ёш болаларда тажовузкор хатти-ҳаракатлар жуда кенг тарқалган, аммо бу хатти-ҳаракатларга эътибор берилмаса, улар тенгдошлари билан зўравонлик ва бошқа муаммоларга олиб келиши мумкин. Ота-оналар ёрдам бериш, баҳам кўриш ва муаммоларни ҳал қилиш каби ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатларни

¹⁷ Juvonen, J.; Graham, S. (2014). "Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims". Annual Review of Psychology. 65:159–85. doi:10.1146/annurev-psych-010213-115030 (<https://doi.org/10.1146/annurev-psych-010213-115030>).

¹⁸ Noa Davenport; Ruth Distler Schwartz; Gail Pursell Elliott (1999-07-01). Mobbing: Emotional Abuse in the American Workplace (<https://books.google.com/books?id=JlJoyD84BfAC>).

рағбатлантириш орқали бу хатти-ҳаракатларни одатий ҳолга келтирмасдан олдин тўхтатиш учун ҳаракат қилишлари мумкин.

Зўравонлик ҳақида гаплашиш. Болалар билан зўравонлик ҳақида суҳбатлашиш уларга бу нима эканлигини, нима учун зарарли эканлигини ва қандай жавоб бериш кераклигини тушунишга ёрдам беради. Зўравонликка дуч келганда нима қилишлари мумкинлигини муҳокама қилиш ва машқ қилиш муҳим жараёндр. Масалан, тўғридан-тўғри ва ишонч билан "тўхтанг" деб айтиб, бунинг оқибатлари ҳақида тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

- Болалар бошқаларга қандай муносабатда бўлишлари ҳақида аниқ қоидалар ва тахминларни ишлаб чиқиш. Ушбу қоидалар жазолаш эмас, балки тегишли хулқ-атвори ўргатиш ҳамда оқибатларини кўрсатиш билан тарбияланадилар. Ота-онаси мустақилликка имкон берадиган, лекин чегараларни белгилаб берадиган ва боланинг эҳтиёжларига жавоб берадиган тарбия услубларидан фойдаланадиган болалар зўравонликка камроқ жалб қилинади. Бошқа томондан, ҳаддан ташқари рухсат берувчи ва ҳаддан ташқари қаттиқ тартиб-интизомни қўллайдиган ота-оналарнинг болалари зўравонлик қилиш эҳтимоли кўпроқ¹⁹.

- Кузатиш. Болалар компьютерлар, уяли телефонлар ёки бошқа мобил қурилмалар орқали кибербуллинг билан шуғулланишлари ёки уларга дучор бўлишлари мумкин. Онлайн ва мобил телефонлар орқали мулоқот қилишнинг аниқ қоидаларини белгилаш, болаларни технологиядан тўғри фойдаланишга ўргатиш ва боланинг фаолиятини кузатиб боришдан иборатдир²⁰.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз ворислари сифатида кадрланиб, уларга ғамхўрлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилишиб келинаётгани бежиз эмас.

Агар болаларнинг зўравонликка учрашининг олди олиниб, уларга таълим олиши, касб-ҳунар эгаллашлари ва орзу интилишларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилса, уларда олдинга интилиш,

¹⁹ "Social Media Use May Harm Teens' Mental Health By Disrupting Positive Activities, Study Says"

(<https://baltimore.cbslocal.com/2019/08/13/social-media-use-may-harm-teens-mental-health-by-disrupting-positive-activities-study-says/>) . 2019-08-13.

²⁰ "State Laws Related to Bullying Among Children and Youth"

(https://web.archive.org/web/20110304062718/http://www.stopbullyingnow.hrsa.gov/HHS_PSA/pdfs/SBN_Tip_6.pdf) (PDF). U.S.Department of Health and Human Services - Health Resources and Services Administration -Maternal and Child Health Bureau. U.S. Department of Health and Human Services. Archived from the original (https://stopbullyingnow.hrsa.gov/HHS_PSA/pdfs/SBN_Tip_6.pdf) (PDF) on March 4, 2011.Retrieved 2013-10-28.

қонунларга ишонч ва ҳурмати ошиб, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, хур фикрли авлод сифатида камолга етишишига хизмат қилади.

Болалар омбудсмани фаолиятини қонуний тартибга солишдан, унинг сиёсий мақомини кучайтиришдан ва ваколатлари таъсирчанлигини оширишдан ягона бирдан бир мақсад - юртимизнинг ҳар бир кичик фуқароси, ҳар бир бола унга Конституция ва қонунларда қафолатланган барча ҳуқуқ - имкониятларидан тенг ва тўла фойдалана олишини таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// “Халқ сўзи”, 2017-йил 20-сентябр.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

3. Ў.М. Атажанов. Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда

фуқаробай ишлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. 2024. World of Science, June, Volume-7, Issue-6. 141-6.//

<https://bestpublication.org/index.php/wos/article/view/12383/12264>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 288-модда.

5. *Исмаилов И.* ва бошқалар. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма. / Масъул муҳаррир И.Исмаилов. –Т.: Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, 2011. –Б. 179.

6. *Долгова А.И.* Криминология. –М.: Норма, 2006. –С. 284.

7. *Ўразалиев М.Қ.* Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2008. –Б. 90.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

9. *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... –Т., 2006. –Б. 199.

10. *Ахмедова Г.Ў.* Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдтини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 101.

11. *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир юрид. фан. доктори И.Исмаилов –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2008. –Б. 32.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 15-сон, 247-модда.

13. Бухоро вилоят ИИБ статистик маълумотлари.